Президент ҳузурида қабул



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 февраль куни «ДЭУ» компаниялари гуруҳининг раҳбари Ким У Жунгни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, «ДЭУ» билан ўзаро манфаатли алоқалар кўлами тобора кенгайиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Сиз раҳбарлик қилаётган компаниялар гуруҳи Ўзбекистоннинг яқин ҳамкорларидан биридир, — деди, жумладан, Ислом Каримов. — Шубҳа йўқки, ана шундай ҳамкорлик муносабатларини бугунги замон руҳига ҳамоҳанг тарзда янада ривожлантириш ҳар икки томон учун бирдек манфаат келтиради.

Президентимиз ўзаро ҳамкорлик истиқболлари, хусусан, амалга оширилиши мўлжаллананётган янги лойиҳалар хусусидаги фикрларини баён этди.

Мулоқот чоғида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида автомобилларнинг янги моделларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, автомобиллар двигателлари ва уларнинг яна қатор бутловчи қисмларини мамлакатимизда тайёрлаш, шунингдек, енгил саноат соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришни кўзда тутадиган лойиҳалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Л. Ахметов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, «Ўзавтосаноат» уюшмаси раиси Қ. Парпиев қатнашди.

(ЎзА)

* * *

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Тошкент шаҳридаги фожиали ҳодисалар муносабати билан Мотам куни эълон қилиш тўғрисида

1999 йил 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда қабиҳ ниятли кучлар томонидан террорчилик ҳуружлари содир этилди. Мустақиллигимизга, халқимизнинг осойишта ҳаётига, юртимиз хавфсизлигига тажовуз қилишга қаратилган бу ёвуз уриниш оқибатида бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Юздан ортиқ киши жароҳатланди. Бу мусибат ҳар биримизнинг, бутун халқимизнинг қалбига чуқур қайғу солди ва қўпорувчи кучларга нисбатан чексиз қаҳр-ғазаб уйғотди.

Бегуноҳ ҳалок бўлган ватандошларимизнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, қурбонлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида:

1. 1999 йил 18 февраль Ўзбекистон Республикасида Мотам куни деб эълон қилинсин.

2. Мотам куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи туширилсин.

3. Маданият муассасаларига, барча телерадиокомпанияларга 18 февраль куни кўнгилочар томошалар, кўрсатув ва эшиттиришларни тўхтатиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил, 17 февраль.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 18 февраль, пайшанба • № 21 (24.416).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Танлаган йўлимиздан бизни ҳеч ким қайтаролмайди

16 февраль куни соат ўн бирга яқин мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида кучли портлаш содир этилди. Натижада бинога катта зарар етди. Ён-атрофдаги айрим иморатларнинг ойналари синди. Шундай портлашлар шаҳардаги "Нодирабегим" кинотеатри, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ички ишлар вазирлиги бинолари ёнида ҳам юз берди. Портлашлар оқибатида ўн уч киши ҳалок бўлди. Юздан зиёд киши тан жароҳати олди. Бир неча машина ёниб кетди. Жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакилларидир.

Дастлабки хулоса шуки, бу ёвузлик мамлакатимиз мустақиллигини, эришаётган ютуқларимизни кўролмаётган қабиҳ ниятли кучларнинг иши эканлиги аён. Зеро, бу ҳунрезлик ортидаги энг асосий мақсадлардан бири — мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳаётига тажовуз қилишдан иборат бўлган. Чунки шу куни соат ўн бирда Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз ҳукуматининг 1998 йил якунлари ва жорий йилдаги иш режаларига бағишланган мажлис бошланиши, унда Президент Ислом Каримов иштирок этиши кўзда тутилган эди. Шукрки, ёвуз ниятли кучлар ўзларининг манфур ниятларига етолмади — Президентимиз, ҳукуматимизнинг барча аъзолари соғ-саломат, зарар кўргани йўқ.

— Бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтаролмайди, — деди Президентимиз Ислом Каримов воқеа содир бўлган жойда журналистларга берган интервьюсида. — Қўпорувчилик қилганларнинг мақсади — халқимизнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончни сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат бўлган. Шу орқали Ўзбекистон халқини ўзи танлаган йўлдан тойдириш, чекинтириш. Аммо, яна таъкидлаб айтаман, бизни ҳеч ким қўрқитолмайди, танлаганимиз — Ватанимизнинг мустақиллиги йўлидан қайтаролмайди. Чунки халқимиз бизнинг юритаётган сиёсатимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Биз бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра ана шу ғоя атрофида янада қаттиқроқ жипслашишимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши орадан кўп вақт ўтмай Олий Мажлис биносида бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов пойтахтимизда рўй берган мудҳиш воқеага ўз муносабатини билдирди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ноҳуш ҳодиса жамиятимизда пайдо бўлган ўта хотиржам кайфиятнинг оқибати эканини таъкидлади. Йўлбошчимиз ватандошларимизни мамлакатимиз ён-атрофида бўлаётган воқеалардан яна бир бор огоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга чақирди. Баъзан шундайки, инсонлар воқеаларга юзаки қараб, охир-оқибатда кўнгилсиз ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади ва буни ҳам табиий ҳолдек қабул қилади. Бу эса хатодир. Шундай экан, ҳар бир фуқаро юртимиздаги осойишталик, барқарорликка осонлик билан эришилмаётганлигини ҳис қилиши лозим. Мамлакатимизда ҳукм сўриб келаётган тинчлик ва осойишталикни қадрлаш учун, унинг нақадар нодир неъмат эканлигига иқрор бўлиш учун айрим қўшни давлатлардаги воқеаларга разм солиш керак. Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида рўй берган портлаш хусусида тўхталиб, уни Президентга суиқасд қилишга уриниш, деб атади.

— Мени халқ сайлаган, — деди Йўлбошчимиз. — Шунинг учун мен, аввало халқимга суянман. Чунки халқ — катта куч. Ўз халқимдан куч оламан. Мени, халқимизни бундай пўписалар билан қўрқитиш қийин. Бинобарин, мустақиллик йўли, фаровон ҳаётга эришиш йўли осон кечмаслигини ҳам англамоғимиз лозим.

Президент Ислом Каримов мустақиллигимиз, тинчлик ва осойишталигимизга таҳдид солувчи ҳар қандай кучнинг пайи қирқилишини алоҳида таъкидлади. Бунга қурбимиз етади, шунга яраша куч ва имконимиз бор. Шу билан бирга юз берган воқеадан ҳеч ким ваҳимага тушмаслиги керак. Аксинча, бир-биримизга нисбатан янада меҳрроқ оқибатли бўлайлик.

— Ушбу портлашларни уюштиришдан яна бир мақсад кўзланган, — деди Ислом Каримов. — Сўнгги вақтда юртимизга хорижий сармоя оқими кўпаймоқда. Хорижлик ҳамкорлар билан улкан ишларни амалга оширмоқдамиз. Бу эса айримларга ёқмаяпти. Кимлардир ана шу сармоядорларни чўчитишни, уларни Ўзбекистонга сармоя ётқизишдан қайтаришни истайди.

Давлатимиз раҳбари айни чоғда юртимизда ёшларга алоҳида эътибор билан қаралаётгани, ижтимоий ҳаётда бу табақанинг мавқеи оширилганини таъкидлади. Ҳозир ҳур фикр, билимли ёшларнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракати бутун мамлакатни қамраган. Улар замонавий усулда ўқимоқда, касб-ҳунар ўрганмоқда, хорижда таҳсил олмоқда. Муҳим вазифамиз ёшларимизнинг қабиҳ ниятли ёвуз кучлар қўлига тушиб қолмаслигини таъминлашдир.

— Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, — деди Ислом Каримов, — уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз. Чунки улар мустақил Ватанимизнинг, эрксевар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилади.

Президент жойларда, хусусан, маҳаллаларда, ўқув муассасалари, масжидларда, бошқа жамоат жойларида пойтахтда содир бўлган қонли воқеанинг туб моҳиятини кенг муҳокама қилиш, аҳоли ўртасида мустақилликни мустаҳкамлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, маънавиятни юксалтириш руҳидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини алоҳида уқтирди.

Мажлисда Ички ишлар вазири З. Алматов, Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р.Иноятовнинг ахбороти тингланди. Мажлисда Олий Мажлис раиси Э. Халилов сўзга чиқди.

Шу куни Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил якунлари ва жорий йил режаларига бағишланган йиғилиши ҳам Олий Мажлис биносида бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, ваҳимага тушишга асос йўқ. Ёвуз кучлар ҳар қанча уринмасин, пойтахтимизнинг, бутун мамлакатимизнинг осойишта ҳаётига раҳна сололмайди. Шаҳар транспорти, барча муассасалар ўз маромида ишлаб турибди. Ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Жароҳат олганларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари содир этилган жиноятни текшириш учун тезкор тергов гуруҳлари ташкил этди. Жиноятчилар тегишли жазосини олади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматидан

16 февраль куни Тошкент шаҳрида одамлар қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракати содир этилди. Натижада 13 киши ҳалок бўлди, 128 нафар одам турли даражада тан жароҳати олди, улардан 83 нафари касалхоналарга ётқизилди.

Портлатишлар шаҳарнинг турли нуқталарида, асосан Президент кортежи ўтадиган йўлларда содир этилди. Террорчилик ҳаракатлари портлатгич моддалар билан тўлдирилган турли русумдаги олтита автомашинани портлатиш воситасида амалга оширилди.

Энг катта кучга эга бўлган портлаш соат 10 дан 55 дақиқа ўтганда Мустақиллик майдонида Вазирлар Маҳкамаси биносига кираверишда амалга оширилди. Бу ерда соат 11.00 да вилоятлар, вазирликлар, идоралар, бирлашмалар ва концернлар вакиллари иштирокида ҳукумат мажлиси бўлиши режалаштирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати террорчилик ҳаракати оқибатида ҳалок бўлган бегуноҳ ватандошларимизнинг оилаларига, яқин қариндошларига, ёру-биродарларига чуқур таъзия изҳор этади ҳамда уларнинг бошига тушган мусибатни енгиллаштириш учун барча ишларни қилади.

Мазкур террорчилик ҳаракатларининг сабабларини текшириш учун бир неча тезкор-тергов гуруҳлари ташкил этилди.

* * *

16 февраль куни Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Президент Ислом Каримовга қўнғироқ қилиб, Ўзбекистон пойтахтида рўй берган фожиали воқеалар муносабати билан ҳамдардлик изҳор этди. Ушбу террористик хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларни қидириб топиш ва қўлга олиш юзасидан зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

Борис Ельцин бегуноҳ қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этди.

Президент Ислом Каримовга, шунингдек, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ҳам қўнғироқ қилиб, ўз ҳамдардликларини билдирдилар.

Таъзия изҳор этдилар

17 февраль куни Украина Президенти Леонид Кучма, Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл, Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга телефон қилиб, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террористик ҳаракатлар натижасида бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлгани муносабати билан ўзларининг чуқур қайғу ва таъзияларини изҳор этдилар.

ХДП хабари

Барқарорликни асрайлик!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларига партиянинг муносабати ҳақидаги масала муҳокама этилиб, шу тўғрида қарор ва махсус Баёнот қабул қилинди. Қарорда маҳаллий партия ташкилотларининг ушбу масалага доир вазифалари белгиланди.

Мажлисда, шунингдек, партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўрилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қуйида Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми Баёнотининг матни эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ишончимиз яна мустаҳкамланди

Мустақиллигимизга нисбатан уюштирилган қўпорувчилик ҳаракатлари тўғрисида эшитиб, ёвуз кучларнинг бу хатти-ҳаракатларидан қаттиқ газабландик. Президентимизнинг воқеалар содир этилган жойларга бориб юрганларини кўриб, уларга бўлган ишончимиз янада мустаҳкамланди.

Бу воқеа бизни жиддий ўйлантириб қўйди, очиғини айтганда, кўзимизни очди. Яшириб нима қиламиз, тинч, ёруғ кунларга ўрганиб лоқайдроқ бўлиб қолган эканмиз. Мустақиллигимизни кўра олмайдиган ғаламислар борлигини билар эдик. Аммо уларни бу қадар қабиҳликка боради, деб ўйламаган эканмиз. Кечаги воқеалар бизлар учун жуда катта сабоқдир. Мустақиллик йўли ҳимояни талаб қилар экан. Юртбошимиз айтганларидек, энг биринчи ҳимоя бу ҳушёрликдир.

Норин туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг БАЁНОТИ

1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида рўй бериб, қурбонларга сабаб бўлган террорчилик ҳаракатлари, бизни, партиямизнинг қўпсонли аъзоларини қаттиқ ғазаблантирди. Миллий истиқлолимизнинг ашаддий душманлари, мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг самараларидан саросимага тушган ёвуз кучлар кўпмиллатли Ўзбекистон халқини у танлаган тараққиёт йўлидан оғдиришни истаб, уни қўрқитмоқчи бўлиб, шундай жиноятга қўл урдилар.

Душманларимизнинг асл мақсади — халқимизнинг бутун дунёда маълум ва машҳур раҳбари — республикамиз Президенти И. А. Каримов жонига суиқасд қилиш йўли билан юртимизда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик, осойишталик ва фуқаролар иноқлигини барбод этиш, тақдиршумул иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларнинг боришини издан чиқариш, Ватанимизнинг буюк келажагига кишиларнинг ишончини сўндириш, ёшларимизни ўз таъсирига олиш, хорижий ҳамкорларни чўчитиш, ҳеч бўлмаганда, аҳоли орасида ваҳима уруғини сепиб, одамларнинг тинчлигини бузиш, жамиятдаги бунёдкорлик вазифасига раҳна солиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги юксак обрўйига путур етказишдан иборат эканлиги, шундоққина билиниб турибди.

Лекин, ғанимлар халқимизни қўрқитмоқчи, йўлдан урмоқчи бўлиб, «чучварани хом санаяптилар». Улар билиб қўйсинларки, биз, мамлакатимиз йўлбошчиси раҳнамолигида қўлга киритилган, давлатимиз мустақиллиги, миллий тараққиёт йўлимиз, озодлигимиз ва эркимизни ҳеч кимга бермаймиз, ихтиёримиздаги барча куч ҳамда имкониятлар воситасида уларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз.

Ёвузлик оқибатида қурбон бўлган бегуноҳ фуқароларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши муносабати билан, бутун халқимиз қатори, биз ҳам чуқур қайғурамиз, шаҳидларнинг оила аъзоларига ўзимизнинг ҳамдардлигимизни билдирамиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари уларнинг қотилларини, албатта, топиб, жазога тортадилар, деб умид қиламиз.

Азиз ватандошлар! Душманларнинг жинояткорона хатти-ҳаракатларига жавобан, Юртбошимиз атрофида жипслашиб, бунёдкорлик ишларини, кенг қамровли ислоҳотларни янада қатъийроқ олиб борайлик, давлатимиз, халқимиз, танлаган йўлимизга таҳдид солаётган хавф-хатарлардан ҳушёр бўлайлик, Оллоҳ бизга берган буюк неъмат — мустақилликни, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, кўз қорачиғидай, асрайлик.

1999 йил, 17 февраль

Мустақиллигимизга завол етмайди

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998 йилги якунлари ва 1999 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузаси аввалида шу йилнинг 16 февраль куни пойтахтимизда рўй берган қўпорувчилик ҳаракатларига билдирган муносабатлари халқимизнинг турли қатламлари орасида қизғин муҳокама қилинмоқда. Ватандошларимиз таҳririятимизга шошилинчномалар йўллаб, қўнғироқлар қилиб, мазкур террорчилик ҳаракатларини қаттиқ қораламоқдалар.

Ўзимизни йўқотганимиз йўқ

Давлатимизнинг халқ сайлаган раҳбарига уюштирилган суиқасд аввало мустақиллигимизга қилинган хуруждир. Биз ёшларнинг келажагига қарши қилинган тажовуздир. Биз бундан хавотирга тушдик, лекин ўзимизни йўқотганимиз йўқ. Президентимизнинг «Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар ўзимнинг болам, ўзимнинг фарзандим», деган сўзларини юракларимизга жойлаб, уларнинг атрофида янада мустаҳкамроқ жипслашамиз. Бизнинг юрагимиз Президент юрагига туташдир. Буни бўлиб ўтган воқеа муносабати билан янада теранроқ ҳис этдик.

Қўқон давлат педагогика институти талаба ёшлари

Қаттиқ қоралаймиз

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий жамоасининг 17 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида мамлакат пойтахти — Тошкент шаҳрида 16 февраль куни юз берган қўпорувчилик, террорчилик ҳаракатлари қораланди.

Олимлар Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатини маъқулладилар, мазкур сиёсий йўл самарасини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишда куч-ғайратларини аямаслиларини изҳор этдилар.

Шунингдек, мажлисда таъкидландики, юз берган ноҳуш воқеаларнинг айбдорлари албатта топиладилар ва қонун олдида, ўзларининг ғайриинсоний қилмишлари учун, жавоб берадилар.

Мафкуравий қутқуларга учмаймиз

Тошкентдаги ноҳуш воқеалар бизни сергаклантирди. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, юртимиз мустақиллигини кўролмаётган айрим кишилар ўзининг кимлигини кўрсатди.

Биз юртбошимиздан ҳар жабҳада ўрнак олсак арзийди. Бизни мафкуравий қутқуларга учмасликка, саросима, ваҳимага тушмасликка, раҳбариятимиз атрофида мустаҳкам жипслашиб, мустақиллигимиз душманларига қарши кураш олиб боришга даъват этар эканлар, буни виждон амри, деб биламиз. Керак бўлса шу йўлда жонимизни ҳам аямаймиз.

Парда ЗИЁДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли хўжалик бригадири

Фитна

Қалқиб кетди шаҳар ногаҳон,
Юракларни хавотир қучди.
Ойналарда акс этган осмон
Чил-чил синиб тўкилиб тушди.

Кунпаякун қилмоқ-чун чоғи,
Осойишта, муҳташам кентни,
Куппа-кундуз фитна сиртмоғи
Қутар эди Президентни.

«Қамаштирди кўзларни жуда,
Бунча ёруғ Истиқлол йўли!..»—
Эмин-эркин халқнинг бўғзига
Узатилди қабоҳат қўли.

Аён бўлди ғаним истаги,
Нокас иши шундоқ тубан, паст!
Ҳайриятки — юраклардаги
Мовий осмон топмади шикаст!

Йироқ кетсин балонинг кўзи,
Бутундир юрт, бут Бош кентимиз
Паноҳида асради Ўзи,
Соғ-саломат Президентимиз!!!

Бир зум зулмат қоплайди дилни,
Отилганди кимга машъум ўқ?!
Ҳурриятни таниган элни
Ҳеч бир замон енгиб бўлмас, йўқ!

Юртим, бахтинг сўнгмасин асло,
Осмонларинг тортмасин хира.
Зафар қучиб кулганда ҳатто
Ёв нигоҳин унутма сира!

Мирпўлат МИРЗО

Биз Сиз биланмиз!

Қадрли Ислом Каримов! Бизнинг турли миллат вакилларидан иборат газетамиз жамоаси ҳам 16 февралдаги хунрезликни қаттиқ қоралайди. Бундай хоинларга йўл бермаслик учун барчамиз жипслашиб ғоявий кураш олиб борамиз. Сиз бошлаган нурли йўлга соя солмоқчи бўлган ёвуз ниятли кишилардан огоҳ бўлиш барча юртдошларимизнинг биринчи вазифасидир. Сиз бошлаган иқтисодий ислоҳотлар, барқарорликни сақлашдаги оқилона салоҳиятингиз биз учун дастуриламал, келажагимиз равнақи учун энг муҳим омилдир.

Бегуноҳ юртдошларимиз нобуд бўлгани, оғир жароҳатланганлиги ҳақидаги хабарни эшитиш биз учун оғир бўлди. Халқаро нуфузга эга мамлакатимиз, пойтахтимиз гуллаб-яшнаётганлигини, чирой очаётганлигини кўролмаётган бундай бузғунчи кишиларга лаънатлар бўлсин. Сизнинг республика телевидениеси орқали шу фожиа юзасидан гапирган сўзларингиз барчамизга ишонч, куч-қудрат бағишлади. Матбуот ходимлари, журналистлар Сизга ва ватанимизга хоинлик билан бузғунчилик қилаётган кимсаларни ва уларнинг орқасида кимлар турганлигини топиб, асил башараларини очиб кўрсатишда куч ва имкониятларини аямайдилар. Сизнинг ишончингиз халқ ишончидир. Биз сиз билан биргамиз.

«Аму тонги» газетаси меҳнат жамоаси

Қарши курашга тайёрмиз

1999 йил 16 февраль куни пойтахтимиз Тошкентда содир этилган қўпорувчиликларни кескин қоралаймиз. Ватанимиз равнақи, халқимиз тинчлигига раҳна солишга интилаётган қора ниятли кишиларга қарши курашга доимо тайёрмиз.

Биз давлатимиз раҳбарини, Ватанимизни ҳимоялашга, Ватан осойишталигини сақлашга шаймиз. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла маъқуллаймиз.

Омон бўлсин она-юрт ва унинг фидойилари!

«Сурхондарё почтаси» акциядорлар жамияти аъзолари номидан:

Кузатув кенгаши раиси И. УСТЕМИРОВ
Бош директор М. С. МУҲАММАДИЕВ
Касаба уюшмаси раиси Б. МАМАДАЛИЕВА

Вазирлар Маҳкамаси Мажлиси

16 февраль куни Олий Мажлис биносида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар самараси ва 1999 йилда иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар ҳамда идораларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

Ўтган йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оила манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ва ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши макроиқтисодий ва молиявий соҳадаги ижобий силжишларни мустаҳкамлаш имконини берди, деди жумладан Ислом Каримов. 1998 йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 104,4 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида 4, саноатда 5,8 фоиз ўсишга эришилди. Қурилиш, банк, соғлиқни сақлаш соҳаларида бозор ислоҳотлари жараёнлари чуқурлашмоқда.

Иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми ҳам анча кўпайди. Ўтган йили қарийб 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси ўзлаштирилди. Бу 1997 йилдагига нисбатан 22,6 фоиз кўпдир.

Аммо, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, бир қанча тармоқлар ва корхоналарда, жумладан, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, "Ўзбек ипаги" уюшмаси тизимида молиявий аҳвол барқарорлигига эришилмади. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони жуда секинлик билан камаяяпти. Ўтган йилда аҳоли ва корхоналарнинг бўш маблағларини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш масаласи тўла ҳал этилмади. Кичик ва ўрта бизнесни, шахсий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни тубдан яхшилаш зарур.

Эндиги вазифа эришилган ютуқларимизни бой бериб қўймаслик. Ислоҳотлар ўсиш, ривожланиш жараёнининг янада изчил ва муқаррар тус олишига, халқимиз турмуши яна ҳам фаровонлашишига хизмат қилиши лозим.

Йиғилишда Республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА)

Келажакни жасоратли одамлар қуради

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998 йилги якунлари ва 1999 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузаси

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Барчангизга маълум: ўтган йилнинг декабрь ойида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида бўлган кенгашда 1998 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якундарини кўриб чиққан эдик. Шу боис, бугун мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг ўтган йилги барча кўрсаткичлари ва суръатлари хусусида батафсил тўхталишга ҳожат йўқ деб ўйлайман.

Айни вақтда, 1999 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш заруратидан келиб чиққан ҳолда, ўтган йилда эришилган энг муҳим натижаларга яна бир карра назар ташлаш, уларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилмоқда. Чунки бу кўрсаткичлар жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган ислоҳотлар дастурига асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга белгиланган мақсадларимиз йўлида тўғаноқ бўлаётган сабабларни ҳам аниқлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йили қўлга киритилган ижобий натижалар ҳақида гапирар эканмиз, мен қуйидаги ютуқларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдим.

Биринчидан, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қадам қўйилди, иқтисодиётни изчил ўстириш стратегиясини амалга ошириш учун пухта шарт-шароит, замин вужудга келтирилди.

1998 йили ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 фоиз, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариши 5,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 4 фоизга ортди. Ўтган йил мобайнида, аввалги йилларгаги каби, молия ва банк тизимини, пул айланишини мустаҳкамлаш бўйича қатъий ва изчил сиёсат юргизилди. Бу эса йилни аввал тасдиқланган макроиқтисодий кўрсаткичлар доирасидан чиқмаган ҳолда якунлаш имконини берди. Ойлик ўртача инфляция кўрсаткичи 1,9 фоизни ташкил этди. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ойига 3 фоиздан ошмади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган кредит маблағлари улуши сезиларли даражада кўпайди. Йил мобайнида узоқ ва ўрта муддатли кредитлар салмоғи 49,2 фоиздан 56 фоизга кўтарилди.

Иккинчидан, шу нарсага алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиманки, 1998 йилда мамлакатимизнинг ёқилғи ва дон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида яна бир салмоқли қадам қўйилди. **Биз бугунги кунда ўзимизни барча энергетика ресурслари билан тўла таъминлашга эришдик.**

1998 йилда мамлакатимизда бошоқли дон, айниқса буғдойдан юқори ҳосил олинди. Яъни, 3,5 миллион тонна ёки 1997 йилдагидан 15,4 фоиз кўп буғдой ҳосили олинди. Бу нафақат республика аҳолисини ун ва нон билан узлуксиз таъминлаш, балки жорий йилда ғалла муаммосини мутлақо янгича ҳал этиш имконини беради. Биз бу ютуқда, аввало, ижтимоий барқарорлигимизнинг гаровини, кафолатини кўрамиз. Энди биз халқимизни дунёда рўй берадиган ҳар қандай инқироз ва фалокатлардан ишончли ҳимоя қила оламиз.

Учинчи ютуғимиз, 1998 йилда ички бозорни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол моллари билан барқарор равишда тўлдириб борилди. Чакана савдо ҳажми 16 фоиз ўсди. Бунга кўп жиҳатдан ўзимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобидан эришилди. Саноат маҳсулоти умумий ҳажми 5,8 фоиз ўсиши билан, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,2 фоиз кўпайди. Макарон, ёрма, консервалар, гўшт, балиқ, дори-дармон каби муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортди ва уларнинг турлари кўпайди.

Тўртинчидан, 1998 йилда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодиётни изчил ривожлантириш учун пухта пойдевор яратиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. **1998 йилда 1.3 миллиард долларга яқин чет эл сармоялари ўзлаштирилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 22,6 фоиз кўпдир.**

Иқтисодиётимизга ётқизилган барча сармояларда чет эл инвестициялари ҳажми 20 фоизни ташкил этди. Бир қатор янги ва йирик иншоотлар ишга туширилди. Шўртанг газ кимё комплекси, Хўжаобод ер ости газ омбори қурилишлари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш каби нефть-газ тармоғидаги инвестиция лойиҳалари фаоллик билан амалга оширилмоқда.

«ЎзДЭУавто» акционерлик бирлашмаси учун бутловчи маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва телекоммуникация тармоғини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинатининг ва Андижон биокимё заводидаги спирт ишлаб чиқарувчи қувватларнинг иккинчи навбати, Ангрендаги каолин фабрикасининг биринчи навбатини қуриш, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч аэропортларини тубдан қайта таъмирлаш ишлари кенг кўламда давом этмоқда.

Биз учун янги, қаётий аҳамиятга молик транспорт коммуникацияларини қуриш, мавжуд темир йўлларни электрлаштириш, Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар автомобиль йўлининг Қамчиқ довонидан ўтувчи қисмини реконструкция қилиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган ТРАСЕКА лойиҳасини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Бешинчидан, 1998 йил давомида юритилган валюта сиёсати бир қатор стратегик вазифаларни ҳал этиш имконини берди: Ташқи савдо оборотида 240 миллион АҚШ доллари ҳажмида ижобий сальдо бўлишига эришилди. Мамлакат олтин-валюта заҳирасининг ўсиши таъминланди. Биржадан ташқари валюта бозорининг роли кенгайди ва мустаҳкамланди.

Барчангизга маълумки, 1998 йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан оила манфаатларини таъминлаш мақсадида махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди.

Жумладан, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, оила манфаатларини, оналик ва болалик ҳуқуқини қонуний жиҳатдан янада муҳофаза қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Оила соғлиғини сақлаш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Оилага хизмат қилувчи инфраструктура (айниқса қишлоқ жойларида) сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ва маданий манфаатларини таъминлаш борасида бир қанча ишлар қилинди. Буларнинг бари оилани мустаҳкамлаш, унинг моддий аҳволини яхшилаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида оиланинг ўрни ва таъсирини кучайтириш имконини берди.

Ўтган йил натижаларини умумлаштирар эканмиз, эришган энг катта ютуғимиз, аввалambor **одамларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллиги ўсиши, тафаккури ва руҳияти, ҳаётга муносабати ўзгариши десак, асло муболаға бўлмайди.**

Бугун бошқарув тизимига юқори билимли, яхши малакали, ўтказилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини тўғри тушунадиган мутлақо янги одамлар келмоқда. Муҳими, халқнинг ўзи ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Бунга кўп жиҳатдан маориф тизимидаги ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши омил бўлмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Ўтган йил якунларини танқидий нуқтаи назардан баҳолаганда, йил мобайнида йўл қўйилган кўпгина камчилик ва хатолар, олдимизда турган муаммо ва нуқсонлар бизни ташвишга солмоқда. Аввалambor шуни таъкидлашимиз керакки, биз айрим макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича мўлжалланган даражага чиқа олмадик. Кўплаб корхоналар ўзлари учун белгиланган экспортга маҳсулот чиқариш вазифасини уддалай олмади.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамай, ўзаро тўловлар муаммосига барҳам бериш вазифаси ҳал этилмади. Ҳамон муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажми кўплигича қолмоқда. Бу, айниқса, «Ўзнефтмаҳсулот» корпорацияси, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, Энергетика вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарга тегишлидир.

Шунингдек, «Ўзэлтехсаноат», «Ўзбекенгилсаноат» уюшмалари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа тармоқларга қарашли корхоналарнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Айниқса, 300 га яқин корхона йилни 7,2 миллиард сўм миқдоридаги зарар билан якунлагани ачинарли ҳолдир.

Ўтган йили «Ўзбек ипаги» уюшмаси фаолияти ниҳоятда қониқарсиз бўлди. Ҳукумат даражасида махсус қарор қабул қилиниб, мамлакатимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу тармоқ «Ўзбекенгилсаноат» таркибидан чиқарилиб, унга мустақил мақом берилган эди. Бироқ, тармоқ раҳбарияти ишни кўнгилдагидек ташкил эта олмади. Ишлаб чиқариш ҳажми 17,6 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 15,3 фоиз камайишига йўл қўйилди.

Ипак хомашёси иплари ишлаб чиқариш икки баробар, шойи матолар 60 фоиз, тикув маҳсулотлари 22,6 фоиз камайиб кетди. Уюшма бугунги кунда бюджетга тўловлар бўйича 372 миллион сўм, иш ҳақини тўлаш бўйича эса 104 миллион сўм қарз бўлиб қолди.

Ана шундай камчиликлар учун уюшманинг юқори лавозимдаги раҳбарларини ишдан четлатишга мажбур бўлдик. Бу тармоқни замонавий фикрлайдиган кадрлар билан мустаҳкамлаш борасида ишларни давом эттириш керак.

Ўтган йили аҳоли ва корхоналарнинг бўш маблағларини хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш масаласи ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Айниқса, тўғридан тўғри чет эл сармояларини жалб этиш борасидаги ишлар яхши ташкил этилмади.

Кичик ва ўрта бизнесни, шахсий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни ҳам тубдан яхшилаш талаб қилинади.

Жанубий-Шарқий Осиё ва Россияда рўй берган молиявий инқироз, умуман, жаҳон иқтисодиётида вужудга келган вазият биз учун ҳам сезиларли муаммоларни келтириб чиқарди. Жаҳон бозорида биз чиқарадиган маҳсулотлар конъюктураси кескин пасайиб кетди. Жаҳон миқёсидаги молиявий инқироз натижасида муҳим минерал-хомашё ресурслари ва стратегик хомашёлар нархи пасайиши давом этди.

Шу жумладан, ҳозирги вақтда мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг асоси бўлган — пахта, қимматбаҳо ва рангли металлар, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг жаҳон бозорида нархлари тушиши бизга қандай таъсир кўрсатгани ҳақида гапириб ўтиш ортиқча, деб ўйлайман. Шулар ҳисобидан биз 1998 йилда юзлаб миллион доллар зарар кўрганимизни айтиб ўтишга мажбурман. Бу, табиий равишда, валюта тушумларига, тўлов балансига, алоҳида тармоқларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ривожлантиришга салбий таъсир ўтказди.

Мен илгари ҳам айтган яна бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Бу ўтган йили қишлоқ хўжалигида, айниқса пахтачиликда рўй берган ноқулай шарт-шароитдир. Об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида биз пахта хомашёси, қанд лавлаги, сабзавотлар бўйича мўлжалдагидан анча кам ҳосил олдик. Бу эса ўз навбатида, қайта ишлаш корхоналарининг ва улар билан боғлиқ бошқа соҳаларнинг фаолиятига, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ривожига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди.

Шу муносабат билан олдимизда мураккаб вазифа турибди: биз жаҳон нархларининг тушиб кетиши ва 1998 йилда пахта ҳосилининг камайиши оқибатида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш йўллари ва манбаларини излаб топишимиз керак.

Пахта нархи даражаси тушиб кетиши оқибатида бизнинг пахта етиштирувчиларимиз, қишлоқ хўжалигида ишловчилар, деҳқонларимиз зарар кўришига, бундан азият чекишига йўл қўя олмаймиз ва бу масала бўйича тегишли чораларни кўрмоқдамиз. Бугунги кунда пахта экспортимизнинг энг муҳим қисми, шундан келиб чиққан ҳолда валюта тушумларининг энг муҳим манбаи эканини унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли дўстлар!

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига салбий таъсир ўтказган ташқи сабаблар ўз-ўзимиз томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни заррача бўлсин оқлашга, хас-пўшлашга сабаб бўлмаслиги лозим.

Биринчи навбатда, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, бу борада бизнинг масъулиятимиз ва ана шу ислоҳотларнинг моҳиятини тушуниш ҳақида қайта-қайта гапиришга тўғри келмокда. Бу аввало бошқарувнинг ўрта бўғини раҳбарларига тегишлидир. Кўплаб илғор ғоя ва таклифлар, таъбир жоиз бўлса, ана шу ботқоққа ботиб қолмоқда.

Бугун бизни ўтказилаётган ислоҳотларнинг суръатлари ҳам, уларни амалга ошириш натижасида эришилган натижалар ҳам мутлақо қониқтирмайди. **Мулкка, мулкдорларнинг шаклланишига, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган муносабат ниҳоятда секин ўзгармоқда. Ҳолбуки, ана шу муносабат ислоҳотлар самарадорлигининг асосий мезони бўлиб хизмат қилиши лозим.**

Биз шу нарсага қайта-қайта ишонч ҳосил қиляпмизки, қачон корхона ёки хўжалик тепасида ҳақиқий мулкдор пайдо бўлса, қачон мулкдорнинг шахсий манфаатдорлиги, яъни мутлақо янги рағбат ва омиллар кучга кирса — хўжалик фаолиятининг натижалари ҳам мутлақо бошқача бўлиб, юқори даражага кўтарилиши муқаррар. Иқтисодиётимизнинг жуда кўп тармоқ ва соҳаларидан бу ҳақиқатни тасдиқловчи мисоллар келтириш мумкин.

Мисол учун қишлоқ хўжалигини олайлик. Бугунги кунда баъзи бировлар бу тармоқдаги натижаларнинг пастлигини турли хил, гўёки бизга боғлиқ бўлмаган турли сабаблар билан боғлашга уринмоқда. Лекин шу нарсага эътибор беринг, ўтган йили Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Ибрат номидаги жамоа хўжалиги ҳар гектар ердан 36,5 центнердан бошоқли дон ҳосили олди. Айни пайтда мана шу хўжалик ҳудудида жойлашган Шукуров фермер хўжалигида эса бу кўрсаткич 55 центнерни ташкил этди.

Агар, Бухоро вилояти Шофиркон тумани Мансур Одилов номидаги жамоа хўжалигида пахта ҳосилдорлиги гектаридан 24,8 фоизни ташкил этган бўлса, хўжаликнинг шундоқ ёнида жойлашган, тупроқ-иқлим шароити бир хил бўлган «Чўлибобо» фермер хўжалигида ҳар гектар ердан 44 центнердан пахта ҳосили олинди.

Бу ҳол мулк кимга қарашлилиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий хўжайини ким бўлиши нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатмайдими?

Саноатдан ҳам худди шундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мулкка муносабат ўзгариши қандай натижалар беришини қуйидаги мисоллар ҳам тўла тасдиқлайди. Давлат мулк қўмитасининг қарорига мувофиқ, 1998 йилнинг апрель ойида Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Пахтачисут» акционерлик жамияти хусусий корхонага айлантирилган эди. Бир йил давомида бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таққослама нархларда 33,3 миллион сўмликдан 64,4 миллион сўмликка, бошқача айтганда, деярли икки баравар ортди. Сут 2,5 баробар, мол ёғи 15 фоиз, пишлоқ 17 фоиз кўпайди. Фойда ҳажми эса 1,5 миллион сўмдан 7 миллион сўмга етди.

Яна бир мисол. Олмаликдаги синтетик пояндоз мато ишлаб чиқарадиган «Тафтинг» акционерлик жамияти кейинги тўрт йил мобайнида янги шароитларга сира мослаша олмади. Жамиятнинг 1998 йил 1 чорагидаги қарзлари 30 миллион сўмдан ошиб кетди. Ишчилар 8 ойдан ортиқ вақт мобайнида иш ҳақи ололмадилар. Охир оқибатда корхона банкрот деб эълон қилинди ва «Долон» хусусий корхонасига (раҳбари Қодиров) сотиб юборилди.

Янги раҳбар иқтисодда қатъий тартиб ўрнатди. Ортиқча бошқарув бўғинларини йўқотди, технологияни такомиллаштирди. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларни кескин қисқартирди. Бозор маркетингини ўрганиб чиққач, ўзимизда патент олган технологияни асос этган ҳолда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини ўзгартирди.

Натижада қисқа вақт ичида яхши сифатли, ички бозорда ҳам, республикамиз ташқарисида ҳам харидоргир бўлган маҳсулот олишга эришилди. Бюджет ва кредиторлар олдидаги қарзлар тўланди. Иш ҳақи ўз вақтида олина бошлади. Йил якунларига кўра олинган 1 миллион сўмдан ортиқ фойда ишлаб чиқаришни замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлашга йўналтирилди.

Бу мисол ҳам, агар корхона тепасига мулкдор, ҳақиқий хўжайин келса, нималарга эришиш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Биз доимо **ҳамма даражада маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш билан жиддий шуғулланиш зарурлигини таъкидлаймиз. Бироқ бу борада амалда жуда оз иш қилинмоқда. Ички ва ташқи бозорларнинг тараққиёт тамойилларини яхши билмаслик натижасида корхоналар, қўйингки, бутун мамлакат катта зарар кўрмоқда.** Айрим тармоқ ва корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатга бардош беролмаслиги оқибатида ўз харидорини тополмай омборларда ётибди.

1999 йилнинг 1 январигача бўлган ҳолатга кўра тайёр маҳсулот қолдиғи ўсиб бориб 53,5 миллиард сўмликка етди. Айниқса «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг», «Ўзкимёсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «Озиқ-овқатсаноат» ва бошқа уюшмаларда тўпланиб қолган маҳсулот ҳажми тез ўсиб бормоқда.

Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш яхши йўлга қўйилмагани, ташқи бозорлар конъюктурасини билмаслик, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилмагани туфайли мамлакатимиз бўйича марказлашмаган ҳолда экспортга маҳсулот чиқариш топшириғи атиги 45 фоиз бажарилди. Бу борада «Ўзғўштсутсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзкимёсаноат», «Озиқ-овқатсаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаларида қолоқликка йўл қўйилди.

«Тоштекстилмаш» хиссадорлик жамияти яқингача ҳам ватанимиз машинасозлигининг дарғаси ҳисобланар эди. Бироқ ҳозирги бозор муносабатлари шароитида унинг раҳбарияти (бош директор Хейлик) ишлаб чиқаришни тўғри йўналишга сололмади. Маркетинг тадқиқотларининг йўқлиги, хорижий шериклар топа билмаслик чет эл бозорларини бутунлай йўқотишга олиб келди.

Корхонада буюртмалар портфели шаклланмагани, мамлакатимиздаги асосий буюртмачилар — замонавий тўқув дастгоҳлари ва эҳтиёт қисмларга эҳтиёжи бўлган енгил саноат корхоналаридан буюртмалар тушмаётгани ҳам шулар ҳисобидан.

Буюртмалар йўқлиги натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан атиги 20 фоиз атрофида фойдаланилмоқда. Табиийки, корхона йилни зарар билан якунлади. Ўйлайманки, биз **мана шу ва шунга ўхшаш корхоналар фаолиятининг тагига етиб боришимиз ва тегишли чоралар кўришимиз зарур.** Шу мақсадда Бош вазир Ўткир Султонов бошчилигида махсус комиссия тузиш керак. Комиссия бундай корхоналарнинг келажагини ҳал қилиш, керак бўлса уларни банкрот деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилсин.

Турли корхоналарнинг иш фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, қаерда раҳбарлар маркетинг билан жиддий шуғулланса, яъни чиқарадиган маҳсулотини сотадиган бозорини чуқур ўрганса, ўша ерда иш бир маромда изчил давом этмоқда, фойда кўрилмоқда, ишчилар ўз дивидендларини, иш ҳақларини вақтида олмоқда.

Мисол учун «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида (бош директор Ҳасанов) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш ҳажмларини кўпайтиришга имкон берадиган аниқ маркетинг дастури ишлаб чиқилган. Агар, 1996 йилда атиги 90 тонна нитрон толаси сотилган бўлса, 1997 йилга келиб бу кўрсатгич 3,4 минг тоннага, ўтган йили эса 5,7 минг тоннага етди. Натижада нитронни сотишдан тушадиган маблағ 1996 йилда 108 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб бу кўрсаткич 6,1 миллион АҚШ долларига етди.

Кўплаб корхоналарда ишлаб чиқаришни янги техника воситалари билан қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, зарур маблағ ва молиявий таъминот манбаларини қидириб топиш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, яъни замон талаби даражасига кўтариш ишлари амалга оширилган бўлса, ўша ерда рақобатбардош маҳсулот ҳажми кўпайиши билан бирга, молиявий кўрсаткичлар ҳам сезиларли даражада яхшиланиб бормоқда. Ва аксинча, қаерда модернизациялаш йўлга қўйилмаган бўлса, ўша ерда сотилмай ётган маҳсулот ҳажми тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда, айланма маблағлар етишмаслиги кескин муаммо бўлиб қолмоқда.

Бир мисол. 1997 йилда япон грантлари доирасида «Шаҳрисабз консерва» ҳиссадорлик жамиятида хорижга сотишга мўлжалланган помидор пасталарини чиройли идишларда қадоқлаб берадиган линия ўрнатилдики, бу мазкур маҳсулотга талабни ошириб, импорт ҳажмининг кўпайишига олиб келди. 1997 йилда корхона экспортга 463 минг долларлик маҳсулот чиқарган бўлса, 1998 йилда экспорт ҳажми 2,4 миллион долларга етди ёки 5 баробар кўпайди. Корхона дебиторлик қарзларидан бутунлай қутулди.

Англиялик ҳамкорлар билан корхона базасида табиий шарбат ишлаб чиқариш ва уни «Тетра Пак» қоғоз қутичаларига қуйиш, маҳсулотни хорижга сотиш имкониятини берувчи «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси ташкил этилди. Айни кунда нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижда ҳам Шаҳрисабз шарбатларига талаб катта. 1998 йил Халқаро кўргазмаларда мазкур корхона маҳсулотлари учта олтин медаль олгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Қани, шу залда ўтирган ҳоким ва вазирлар, бирлашмалар раҳбарлари, сизлар айтинглар: қачонгача бундай тадбир ва таъбирларни сизларга тарғибот ва ташвиқот қилиб ўтиришим керак? Жавоб бериш вақти келмадими?

Қачон жойдаги ҳукумат ҳудудий органлари ва корхона раҳбарлари инвестор излаш билан мутлақо жиддий шуғулланади? Ва улар билан тил топиб, уларни чорлаб, керак бўлса қулоғидан тортиб, ўз юрти ва ҳудудига олиб киради?

Минг афсуски, жойларда мутлақо тескари аҳволни кўриш мумкин. Хорижий инвесторларнинг ўзлари югуриб-елиб ҳамкор излашади, ўзининг имкониятларини таклиф қилади. Биз эса ноз қиламиз. Чет эллик инвесторлар айрим ҳолларда баъзи бир идора ва корхона раҳбарларининг жиноятқорона совуқконлигига, тўрачилигига, сансоларлигига дуч келмоқда.

Ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш сув-ҳаводек зарур бўлиб турган бир шароитда айрим идоралар йиллик инвестиция режаларини барбод қилмоқда. Масалан, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси йиллик инвестиция ҳажмининг атиги 3, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» 3, «Ўзбекмебель» 1,5, «Ўзолмосолтин» 1,8 фоизини ўзлаштирди, холос.

Бундай кўнгилсиз ҳодисалар сабабини мутасадди органлар синчиклаб ўрганиши, мазкур тизим раҳбарлари ўз жавобгарлигини сезишлари керак.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш суръатларининг пастлигини кўплар маблағ йўқлиги билан изоҳлайди. Аслида шундаймикин? Дейлик, нега корхоналарнинг акцияларини эркин сотиш, аввало хорижий инвесторларга сотиш эвазига қўшимча маблағ олиш имкониятидан мутлақо фойдаланилмаяпти?

Акция пакетлари ҳажмини белгиланган талаблар даражасига келтириш жараёнида эркин сотишга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотишга мўлжалланган акциялар ҳажми 57 миллиард сўмга ўсди. Лекин шунга қарамасдан бор-йўғи 8,8 миллиард сўмлик акция сотилди. Бу ялпи акция ресурсларининг 15,4 фоизини ташкил этади, холос.

Энг кам миқдорда сотилган акциялар «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг», «Ўзэлтехсаноат», «Ўзмашсаноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзтранспортқурилиш», «Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги» хиссасига тўғри келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг реал манбалари бор. Лекин биз ундан оқилона фойдаланмаяпмиз.

Рақобат муҳити, самарали ва таъсирчан бозор инфратузилмасини тузишга эътибор берилмаяпти. Ярмарка савдоси ўта бўш ташкил этилган.

Товар ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида боғловчи бўғин бўлган товархомашё биржаларининг таъсири сезилмаяпти. Айрим товар ишлаб чиқарувчиларнинг яккаҳокимлигига чек қўйиш, нархларни арзонлаштиришнинг йўлларини излаш мазкур идоранинг бевосита вазифаси эмасми?!

Яна бир бор шунга иқрор бўлишимиз шарт. Камчиликларнинг сабабини суриштирсанг чиқаверади. Лекин уларнинг барчаси пировард натижада **кадрларнинг профессионал тайёргарлигига ва қобилиятига, масъулиятни ҳис этишига, замонавий менежмент, маркетинг сир-асрорларини нечоғли эгаллаб олганига, янги бозор шароитида ишлай билиши, мустақил қарорлар қабул қилиши, зиммасига масъулият ола билиш лаёқатига, керак бўлса жасоратига бориб тақалади.**

Кўпгина ташкилот ва корхоналарнинг ночор аҳволга тушиб қолганининг ҳақиқий сабаби ва илдизи айнан мана шундадир.

Муҳтарам мажлис қатнашчилари!

Жорий йилдаги вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман.

1999 йил мазмун ва моҳиятига кўра ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу йилни янги минг йиллик арафасидаги сўнгги зинапояга қиёс этсак асло хато бўлмайди. Бу боис биз учун 1999 йил иқтисодий ислоҳотларнинг стратегияси ва устувор йўналишларини янги XX1 асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз учун мақсад бўлиб қоладиган истиқболларини аниқлаб олиш ўта муҳимдир.

Бошқача айтганда, 1999 йил белгилари 2000-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурига мустаҳкам пойдевор яратиши керак.

Шу муносабат билан мен диққат-эътиборингизни жамиятимизни ислоҳ қилишнинг маъно-моҳиятини ташкил этувчи айрим жиддий масалаларга қаратмоқчиман.

Ислоҳотларимизнинг муҳим жиҳатларидан бири — **ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун** деган тамойилини — принципини рўёбга чиқаришдир.

Мазкур принципнинг амал қилиш деганда биз нимани тушунишимиз керак? Жавоб аниқ. Одамлар ислоҳотларнинг амалдаги самарасини ҳис этиб, **ўз манфаати, истиқболи учун қилинаётган ҳар бир саъй-ҳаракатни кўриб-сезиб турсин.**

Мазкур пировард мақсадга эришиш, зарур шарт-шароитларни шакллантириш учун ўтган йиллар мобайнида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Сўнгги 3 йил мобайнида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришибгина қолмай, иқтисодий юксалиш учун реал шарт-шароитлар яратилди.

Иқтисодиётимизнинг бошқарув заминини ва тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, устувор тармоқларни изчил ривожлантириш натижасида 1997 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотнинг аҳволи жон бошига нисбатан ўсиши, бинобарин, халқнинг турмуш даражаси юксалаётгани кўзга ташлана бошлади.

Энди шундай қилиш керакки, бу ютуқларимизни бой бериб қўймайлик, аксинча, ўсиш, ривожланиш жараёни изчил ва муқаррар тус олсин, шунинг ҳисобидан ҳаётимиз тобора барқарорлашсин.

Энг муҳими, мазкур жараёнларнинг баракали таъсири туфайли аввало аҳоли даромади барқарорлашмоғи керак. 1999 йил бу борада алоҳида ўрин тутмоғи зарур. Энг муҳими, мамлакатимиз аҳолисини молиявий ва иқтисодий тангликлар туфайли ён-атрофимизда содир бўлаётган ҳар хил ларзалар, бало-қазолардан асрашимиз даркор.

**Шу муносабат билан аҳоли ижтимоий ҳимоясини мен 1

Келажакни жасоратли одамлар қуради

(Давоми. Боши 2-бетда)

барча манфаатдор идораларга қишлоқ жойларидаги табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланмаган аҳоли пунктларининг аниқ рўйхатини олишни топширмоқчиман. Ва барча имкониятларимиздан келиб чиқиб, мазкур аҳоли пунктларига табиий газ ва ичимлик суви олиб келишнинг аниқ муддатларини белгилаб олишни, қурук ваъдалардан амалий ишларга ўтишни мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман. Яъни, содда қилиб айтганда, ичимлик суви билан таъминланишда қийинчилик кўраётган ва табиий гази бўлмаган қишлоқлар ва аҳоли пунктлари ўзларига аниқ тасаввур қилишлари керак: уларнинг муаммоси қачон ва қайси муддатларда ечилади?

Ушбу тадбир жадвали ва муддатлари зарур барча моддий, молиявий ресурслар билан таъминланиши, ҳукумат, вилоят, туман ҳокимликлари томонидан қаттиқ назорат остига олиниши керак.

Эътиборингиз учун айтмоқчиман: 1999 йилнинг ўзида ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасини молиялашга 282 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилмоқда. Бу умумий харажатларимизнинг 47 фоизини ташкил этиб, 1998 йилга қараганда 37 фоиз кўпдир.

Табиийки, аҳоли фаровонлигини ва барқарорлигини мустаҳкамлаш деган мақсадларга етишмоғимиз учун, нафақат иқтисодий соҳани ривожлантириш, аввламбор инсоннинг сиёсий ва маънавий ҳаётини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, унинг эркинлиги ва танлаш ҳуқуқини таъминлаш, мавжуд имкониятларни рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш орқалигина эришмоғимиз мумкин.

Иккинчи устувор йўналиш — ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва 1999 йилда қабул қилинган хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, корхоналарни кенг кўламда акциялаштиришнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди, биз йирик корхоналарда мулк шаклини ўзгартириш даврига етиб келдик. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар ҳам, ташкилий ва таркибий шарт-шароитлар ҳам яратилди.

1999 йилда жами 565 та объектни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўзда тутилган. Жорий йилда хусусийлаштириш эвазига 26,4 миллиард сўм, жумладан фонд бозорида сотиладиган акциялардан 18,7 миллиард сўм маблағ олишни мўлжаллаяпмиз. Республика ва маҳаллий бюджетларга 17 миллиард сўм атрофида маблағ тушиши керак.

Хусусийлаштиришнинг умумий дастурида чет эл инвесторлари ҳам иштирок этишади. Айни замонда чет эллик ҳамкорларга индивидуал лойиҳалар бўйича 15 та йирик корхонанинг акция пакетларини сотишни ҳам назарда тутганмиз. Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси, «Навоийазот», «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Андижон биокимё заводи, Самарқанд кимё заводи, Тошкент аэропорти, Қизилқум фосфорит комбинати шулар жумласидандир. Бундан ташқари чет эл инвесторлари учун биржа ва нобиржа савдосига 23 та корхонанинг акцияларини қўймоқдамиз. 39 та корхона ва объектларни эса умуман хорижий инвесторларга сотмоқчимиз.

Вазирлар Маҳкамаси, Давлат мулк қўмитаси олди-сотди ишларини қаттиқ назорат остига олсин. Чет эл маблағлари иштирокида хусусийлаштириш режаларини биринчи навбатда амалга оширишимиз керак.

Учинчи устувор йўналиш — иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурининг бажарилишини таъминлаш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, рақобатбардош ишлаб чиқариш тизимларини бунёд этиш ўта муҳим масаладир.

Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимидаги ўрни мана шунга боғлиқ бўлиб турибди.

Чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларига ва энг аввало Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тараққиёт ва таъмирлаш банки, Осиё тараққиёт банкига ўхшаган халқаро молия тизимлари лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Шу кунга қадар ҳажми 10 миллиард доллар бўлган чет эл сармоялари иштирокидаги 200 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. **Биргина 1999 йилнинг ўзида 2 миллиард доллар ҳажмида чет эл сармояларини ўзлаштиришимиз керак. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўпдир.**

Қайта-қайта айтмоқчиман: чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида, кам-кўстсиз ўзлаштириш биз учун ор-номус иши бўлиши керак.

Мен бу гапларни аввламбор биз учун стратегик аҳамиятга молик қурилишлар, объектлар жуда зарурлиги учунгина айтаётганим йўқ. Муҳими, жаҳон сармоядорлари бизга сармоя беришяпти, бизга ишонишмоқда! **Биз ана шу ишончни қадрлашимиз, ишончга муносиб бўлганимиз билан фахрланишимиз, узоқ йиллик меҳнат ва қийинчиликлар билан эришган обрўйимизни ва қадримизни ерга урмаслигимиз керак.**

Тўртинчи устувор йўналиш — бу қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдир.

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари билан бўлган учрашувда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари, қишлоқ қиёфасини ўзгартириш борасидаги вазифалар, қишлоқ хўжалигига жорий этиш зарур бўлган, бугунги замон талабларига жавоб берадиган янгича иқтисодий, аграр муносабатлар ҳақида батафсил тўхталган эдим.

Яна такрорлайман: қишлоқ хўжалигида ислоҳот ўтказишнинг моҳияти учта мазмунан ягона вазифада мужассамлашган, яъни:

— деҳқонга ер ва мулкка, жамоа даромадининг муайян қисмига эгалик ҳуқуқини берувчи мулкий пайни жорий этиш;

— жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)га айлантириш;

— оилавий пудратни жорий этиш.

Ҳадемай баҳор фасли шабадалари юртимизга кириб келади. Баҳорги ишлар, уларга тайёргарлик ҳақида гапирар эканмиз, аввламбор деҳқонларимизнинг дарду ташвишларини кўзлаб, яна бир бор эътиборингизни қуйидаги масалаларга жалб қилмоқчиман:

биринчидан, деҳқонларимиз билан, хўжаликлар билан ўтган 1998 йил учун барча ҳисоб-китобларни якунига етказиш;

иккинчидан, экиш масалаларини пухта ўйлаб, уруғни ҳозирдан тайёрлаб қўйиш;

учинчидан, техникани, экиш агрегатларини шай қилиб қўйиш;

тўртинчидан, яна ва яна бир бор ерга, шўрни ювишга алоҳида эътибор бериш;

бешинчидан, баҳорги юмушларни — экиш мавсумини сифатли ўтказиш учун деҳқонларни рағбатлантириш ишларини пухта ўйлаб кўришдир.

Кейин, вақтни бой бергандан сўнг сабаб қидириш, пушаймон бўлиш, надоматларга ботиб кетишга йўл қўймаслик даркор.

Иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимиз равнақи, ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг тўқ, фаровон ҳаёт кечириши пировардида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг нечоғли амалга оширилишига боғлиқ. Оддий деҳқондан тортиб юқори лавозимда ўтирган раҳбаргача буни унутмаслиги керак.

Бешинчи устувор йўналиш — кичик ва ўрта бизнесни кенг кўламда ривожлантиришдан иборат. Бу масалага биз жуда жиддий ва муттасил эътибор бермоғимиз даркор. Ўрта ва кичик бизнес яхши йўлга қўйилса, аҳолини, айниқса қишлоқ хўжалигидан бўшаган ишчи кучларини иш билан таъминлаш, маҳаллий хомашё, деҳқончилик ва қурилиш ресурсларини қайта ишлашни такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини халқ истеъмол моллари ҳамда хизматлар билан таъминлаш каби долзарб муаммоларни бартараф этиш мумкин.

Энг муҳими — кичик ва ўрта бизнес воситасида реал мулкдорлар табақасини шакллантириш мумкин бўлади. **Шундай қилайликки, иқтисодиётимиз тизимида, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимида кичик ва ўрта бизнес етакчи кучга айлансин.**

Бу борада анча ишлар қилинди. Аммо талай муаммолар ҳам борки, бунга аввало Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, барча поғонадаги ҳокимликлар алоҳида эътибор беришлари зарур деб ўйлайман.

Етакчи халқаро молиявий тизимлар — Европа тараққиёт ва таъмирлаш банки, Осиё тараққиёт банки, Олмониянинг КФВ банки ва бошқа қатор банклар кредит тармоқлари орқали кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка ажратилган маблағларни ўз вақтида ўзлаштиришни йўлга қўймоқ керак.

Давлат мулк қўмитаси, Молия вазирлиги мазкур кредит тармоқларига хизмат кўрсатувчи банклар билан биргаликда аҳволни атрофлича ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасига мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга доир таклифлар киритсинлар.

Мазкур иш учун молия вазири Рустам Азимов, Давлат мулк қўмитаси раисининг муовини Абдулла Абдуқодиров, Миллий банк раиси вазифасини бажарувчи З. Мирҳожиев, «Асакабанк» бошқаруви раиси Р. Орипов ва бошқа тижорат банклари раҳбарлари шахсан жавоб берадилар. Айтиб қўяй, сўров қаттиқ бўлади.

Олтинчи устувор йўналиш — Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, таълим тизимининг барча соҳаларини ислоҳ этиш.

Ўтиш даврининг энг мураккаб муаммоларини ечиш, бозор муносабатларини қарор топтириш, демократик жамият қуришга қодир билимдон, юқори малакали кадрлар тайёрлаш устивор вазифамиз эканлигини бугун яна бир бор сизларга эслатмоқчиман.

1999 йилда Академик лицейлар ва профессионал коллежлар қуриш дастурини амалга оширишга киришдик. Шу йилнинг ўзида ҳар бир туманда биттадан замонавий, лойиҳа талабларига жавоб берадиган коллежлар қуришимиз керак. Таълим тизимининг янги кошонасига пойдевор қўймоқда эканмиз, бу йилда 1999 йил ҳал қилувчи йил бўлади. Айнан шу йилда янги ўқув дастурларини тайёрлаш ниҳоясига етиб, амалиётда қўллаб кўрилади. Бу дарсликлар асосида янги андозадаги ўқув юртларида минг-минглаб ўғил-қизларимиз билим ва тарбия олади.

Яна бир муҳим масала устида тўхталмоқчиман. Хабарингиз бор, **1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинди.** Яқинда аёллар манфаатини таъминловчи махсус дастур қабул этилди. Дастурда кўзда тутилган барча тадбирлар сўзсиз бажарилиши керак.

Шу муносабат билан дастурий тадбирларни бир ёқлама талқин этиш, тор тушунишдан сизларни огоҳлантирмоқчиман. Шуни яхши англаб олиш керакки, дастурий тадбирларимиз бир кун ёки бир йил билан чегараланмайди. Муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимиз, аёлларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги мақоми ва мавқеини кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимизнинг, жамиятимизнинг устувор йўналиши ва бош мақсадига айланиши лозим.

Аёллар учун ижтимоий фаолияти билан бола тарбиясини уйғунлаштиришга, соғлом авлодни вояга етказишга имкон берувчи барча шарт-шароитларни яратиб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Сайланадиган, ўз-ўзини бошқарадиган ва ижрочи ташкилотлар фаолиятида аёлларнинг кенг иштирокини таъминлайдиган таклиф ва тадбирларни қонуний равишда тасдиқлаб олишимиз даркор.

Вазирлар Маҳкамаси яқин кунлар ичида меҳнатнинг шароити оғир ва зарарли турларида банд бўлган, шунингдек боласи 3 ёшгача бўлган ишлаётган оналарга қўшимча имтиёзлар бериш ҳақида қарор қабул қилсин.

Аёллар ва болаларга аталган моллар нархини арзонлаштириш мақсадида керакли солиқ имтиёзларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир қўшимча имтиёзлар киритишни назарда тутган ҳолда фуқароларни нафақа билан таъминлаш ҳақидаги Қонунга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тезлаштириш керак.

Доялик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг поликлиникаси, Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги «Оналар ва болалар» санаторийси, Хоразм вилоятидаги «Хонқа» кўп тармоқли санаторий қурилиши алоҳида назорат остига олинсин, оналарни болалари билан қабул қилишга ихтисослашган санаторийлар тармоғи кенгайтирилсин.

Албатта, дастурда кўзда тутилган тадбирлар катта маблағ талаб этади. Ҳисоб-китоблар бўйича бу тадбирларни амалга ошириш учун таҳминан 85 миллиард сўм маблағ ва харажатлар талаб қилинади. Шу жумладан, Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан камида 54 миллиард сўм.

Аммо биз дастур қабул қилар эканмиз, амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз қимматини иқтисодий кўрсаткичлар, яъни пул билан, ёки қандайдир туҳфа, сийлов сифатида ўлчаш мутлақо енгил қараш деб биламан. Дастурнинг моҳияти биз ва сиз ўйлагандан кўра анча чуқуррақдир десак, ҳеч қандай хато бўлмас.

Дастурни амалга оширишдан маъно-мақсад қатор мезонлар мажмуи, **аввало, одамлар онг-шуури, жамият ҳаётида юксак маънавий, ахлоқий қадриятларнинг мустаҳкамланиши билан белгиланади.**

Зеро, биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отгани билан баҳолаймиз.

Аёллар йили деб эълон қилинган йилда биз белгилаган режалар ана шу олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоғи даркор.

Муҳтарам дўстлар!

Мен 1999 йил ҳал этишимиз зарур бўлган энг муҳим, устувор вазифалар ҳақида тўхталдим, холос. Кўриб турганингиздек, бу вазифалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, пировардида бош мақсадимиз — халқ турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларимиз мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши, шак-шубҳа йўқки, ҳар бир фуқаронинг туб манфаатларига мос тушади.

Ишончим комилки, ислоҳотлар йўлидан янада собитқадамлик билан одимлаш учун мустаҳкам замин яратиш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб ва юксак турмуш шароитини таъминлаш, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдек олий мақсадимизга албатта эришамиз.

Мана шу эзгу ниятлар йўлида барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ғайрат-шижоат тилайман.

Истиқлолни кўз қорачиғидай авайлаб-асрайлик

Ўзбекистон халқига,
Республика Президенти Ислом КАРИМОВга

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Дўст бошга ташвиш тушганда синалади, дейди доно халқимиз. Асрларга татигулик қисқа вақтда ўз қаддини тиклаб, жаҳонга танилган, тенглар ичида тенг бўлиб, тинчлик ва барқарорлик муҳитида буюк келажак биносини дадил қураётган халқимизнинг музаффарона одимини кўролмаётган баҳиллар, ичи қора ёвуз кучлар ўзининг чиркин башарасини кўрсатди. Панада ётган, четдан писиб келган ёвузлар қадрли Президентимизнинг азиз жонига қасд қилиб, тараққиётимизни бўғмоқчи, тарих ғилдирагини ортга бурмоқчи бўлдилар.

Шукроналар бўлсинки, Аллоҳ назар қилган юртимизда улар парокандалик туғдириш ниятларига ета олмадилар. Халқимиз ўз Йўлбошчиси каби оғир, босиқ, мулоҳазали эканини кўрсатди, ваҳимага тушмади. Бутун қаҳр-ғазабини тинч-фаровон ҳаётимиз душманларига қаратиб, уларга лаънатлар айтмоқда.

Азиз Президентимизни, хайр-баракотли Ўзбекистонимизнинг асл фарзандини, эрксевар, нияти пок Йўлбошчисини Худонинг ўзи асради. Этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, қадрли сардоримиз, Сизни Халқдан, Халқни Сиздан ажратиб бўлмайди. Халқ билан бир тан, бир жон бўлиб, бамаслаҳат, ҳамкор, ҳамдард, юрт манфаати, нурли келажаги учун курашиб келаётганингиз аён. Шундай экан, миннатдор халқ Сизни кўз қорачиғидай авайлаб-асрашга ҳамиша тайёр, Сизга қалқон бўлиб ҳар қандай бало-қазоларнинг олдини олишга шай. Сизга отилган ўқ, халққа отилган ажал тиғидир. Худодан умиди йўқ, шум ният оқпадарлар, уларнинг ҳомийлари кўтарган қўл забунликка маҳкумдир. Фақат кўзларни каттароқ очиб, огоҳ бўлиб, сергак туриш, газандаларни инидаёқ маҳв этиш барчамизнинг бурчимиздир.

Сизнинг шундай фавқулоддда вазиятда ҳам ўзингизга хос бўлган мардоналик, жасурлик, фидойилик кўрсатиб халққа таскин берганингиз, зарур бўлса, жондан кечаман дейишингиз, бевақт қурбон бўлган бегуноҳ фуқороларингиз умрига оталарча ачинганингиз, уларнинг ойласи, ёр-биродарларига чинакам ҳамдард бўлганингиз ҳар биримизнинг қалбимизни тўлқинлантириб юборди. Сиз доимо суяниб келган, ҳамиша Сизни қўллаб-қувватловчи барча маҳаллалар аҳли Сиз билан биргадир.

Маҳаллалар ҳалоллик, одамийлик, эзгу-ниятлар жўш урган азим дарёки, йўлида учраган хори-хасларни, бахтиқароликни истаган бахилларни, ҳаром луқмага учган нопокларни бешафқат оқизиб, гирдобига дучор қилишга қодир.

Биз шуни баралла айтамизки, мустақиллигимизнинг жон ришталари Сизнинг ҳаётингиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Сизнинг муборак умрингизга чанг солиш — не-не орзу-армонлар билан етишганимиз Мустақиллик иморатига раҳна солиш билан баравардир. Биз учун ҳозир Сиз Мустақиллик каби энг зарур қадриятга айланиб қолгансиз. Бу қадриятга ғубор қўнмаслиги учун аввало ваколатли ташкилотлар, биз — ҳаммамиз нимаики зарур бўлса, барини қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Шарқда шундай қанотли ибора бор: қутирган ит эгасини қопади. Биз уни ранги оқми, қоралигидан қатъий назар қидириб топиб, жазосини беришимиз керак, карвон ҳидоят йўлида баравж юравериши лозим.

Ҳурматли юртдошлар! Ўзингизга аён: дунёнинг гоҳ бу, гоҳ у нуқтасида, чегараларимизга яқин юртларда ҳунрезликлар содир бўлмоқда, бечора одамлар туну кун қўрқув ва даҳшатда яшамоқда. Мақсадимиз — ҳамма жойда тинчлик бўлсин. Юртимизда ҳукм сураётган осойишта ҳаёт, мавжуд барқарорлик, янги ёш-авлодларимизнинг бундан-да гўзал ва фаровон келажагини таъминлаш ҳаммамизнинг янада сергак, хушёр туришимизни, атрофимиздаги воқеаларга бефарқ қарамай, фаолликни оширишимизни тақозо этади. Бу жабҳада Истиқлолнинг тотли ҳавосидан баҳраманд бўлган ҳар бир фуқаро, аввало маҳалла оқсоқоллари, табаррук отахон ва онахонлар, зукко фарзандларимиз чин фуқаролик фазилатларини намоён қиладилар, деб ишонамиз.

Зеро, фидойилик — озодликка эришган ҳар бир халқнинг энг биринчи ҳислати бўлиши керак. Аллоҳга банда, Пайғамбарга уммат, Давлатга фуқаролик бурчларимизни тўла-тўкис адо этайлик. Бизнинг комилликка эришишимиз ана шу юксак масъулиятни теппа-тенг оқлаб боришимизга боғлиқ.

Истиқлолимиз иморати мустаҳкам, бу қутлуғ иморатнинг Бош меъмори сергак. Уларни кўз қорачиғидек авайлаб асрашга куч-қудратимиз етади, иншоллоҳ!

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси

Ўзбекистон мусулмонларига мурожаатнома

Муҳтарам юртдошлар!

Ислом дини — одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келгани туфайли асрлар мобайнида юксак маънавият ва миллий анъаналаримиз мустаҳкамланишига хизмат қилиб келган. Элимиз имон-эътиқодининг бутунлиги жамият маънавий поклиги гаровидир.

Давлат фуқароларининг эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларига катта ҳурмат-эҳтиром билан қараётган бир пайтда биз, диндорлар ҳам бунга жавобан давлат қонун-қоидаларига оғишмай амал қилиб, раҳбариятимиз олиб бораётган одилона тинчлик сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоғимиз даркор.

Афсуски, сўнгги пайтларда пок динимиздан ғаразли мақсадларда фойдаланувчилар пайдо бўлиб қолди. Булар хориждан юртимизга кириб келган турли хил бузғунчи оқимлар, дин ниқоби остидаги экстремистлар, мутаассиб ақидапарастлардир. Ўзларининг ғаразли мақсадларини рўёбга чиқариш учун улар турли йўллар билан халқимизга, айниқса, фарзандларимизга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Биз бу каби ҳолатларга чек қўйишимиз, муқаддас динимизга ёт бўлган оқимлар пайини қирқиб, уларнинг ҳар қандай уринишларига кескин ва муросасиз кураш олиб бормоғимиз лозим. Мутаассиб ақидапарастлар ва динимизга бегона оқимларга нисбатан бепарво, лоқайд бўлишга сира ҳаққимиз йўқ. Биз бу йўлда доимо собитқадам туриб, динимиз софлигини, Ватанимиз осойишталигини сақлаш, юртимизда тинчликни барқарор этишдек муқаддас ишга доимо содиқмиз.

Биз куни кеча Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган фожиали воқеалар ташкилотчилари ва уларнинг раҳнамоларини кескин қоралаймиз. Улар ўз жазоларини, албатта, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам олишларига аминмиз. Ўзбекистон мусулмонлари идораси бу машъум воқеа оқибатида ҳалок бўлган бегуноҳ юртдошларимизнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. Вафот этганларни Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин!

Мустақиллик пойдеворини янада мустаҳкамлаш учун, юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши учун барчамиз масъулмиз. Биз, дин аҳли имон-эътиқод, инсоф, меҳру оқибат ва эл-юрт фаровонлиги ҳамда ҳукуматимиз олиб бораётган одилона тинчлик сиёсатини кенг тарғиб-ташвиқ қилишга бор кучимизни сафарбар этамиз.

Аллоҳ таоло халқимизга тинчлик, хотиржамлик, тавфиқу ҳидоят ато этсин! Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг умрлари узоқ бўлсин, олиб бораётган барча ишлари истиқболли ва баракотли бўлишида Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Грипп ўлим келтирмоқда

РАТА-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарда ёзилишича, бу йил Япония аҳолиси учун қиш фасли оғир кечмоқда. Мамлакат миқёсида тарқалган грипп хасталиги ҳозирга қадар 200 нафардан зиёд японияликнинг ҳаётига зомин бўлди. Яқинда ушбу хасталик туфайли яна 19 киши ҳаётдан кўз юмган. Уларнинг барчаси Фукуока вилоятидаги руҳий касалликлар шифохонасида даволанаётган эди. Грипп, айниқса, кексалар ва бошқа хасталиклар билан оғриган беморларда оғир кечаётир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай кишиларнинг эпидемия билан курашиши қийин кечар экан.

Бошпанасиз қолдилар

Японияда Киодо Цусин ахборот агентлиги тарқатган хабарда ёзилишича, ўтган ҳафта Афғонистоннинг Кобул шаҳрида юз берган кучли зилзила катта мусибат келтирган. Ҳозиргача вайроналар остидан 60 кишининг жасади топилди. 500 га яқин киши тан жароҳати олган.

Шаҳарда 7 мингдан зиёд уй вайронага айлангани туфайли қаттиқ келган қиш шароитида қарийб 20 минг киши бошпанасидан ажралди.

Спиртли ичимликдан заҳарланишди

Ҳиндистоннинг Бихар штатида сифатсиз спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида 24 киши ҳаётдан кўз юмди.

Маҳаллий полиция маҳкамасидагиларнинг таъкидлашича, фожиа бир вақтнинг ўзида штатнинг учта аҳоли пунктида содир бўлган. Заҳарланганларнинг 18 нафари уни истеъмол қилган жойида, 6 киши эса шифохонада жон берган. Яна 50 киши оғир аҳволда ётибди.

Айни пайтда қидирув-тергов ишлари кетмоқда.

Қария ўз номзодини қўймоқчи

Доминикан республикасининг 92 ёшли собиқ президенти Хоакин Балагер ёши ўтиб қолгани ва соғлиғи ёмонлигига қарамай, давлат бошлиғи лавозимини эгаллаш учун ўтказилажак сайловда яна ўз номзодини илгари суришни режалаштирмоқда. У яқин кунлар ичида АҚШнинг Майами шаҳридан ватанига қайтишга ва сайловолди курашига киришишга тайёргарлик кўрмоқда, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Х. Балагер айни пайтда кўзи жуда хиралашиб қолган ва тез-тез касал бўлиб туришига қарамай, сиёсий доираларда унинг обрўйи жуда баланд. Х. Балагер ҳали ҳам Ислоҳотчи социал-христианлар партияси етакчиси лавозимини эгаллаб тургани бу фикрни тасдиқлаш учун кифоя қилади.

(ЎзА)



Соҳилда

Йўлдаги тўқнашув

Таиланд пойтахтидан 230 километр узоқликдаги катта йўлда хорижий сайёҳлар ўтирган автобус юк машинасига урилиб, ағдарилиб кетди. Натижада икки сайёҳ ҳалок бўлган, 37 киши жароҳат олган.

Бангкокдан хабар қилинишича, сайёҳлар асосан, Буюк Британия, Исроил, АҚШ, Германия, Жанубий Корея ва Японияндан келган экан. Ҳалок бўлганларнинг бири маҳаллий фуқаро, иккинчиси эса хорижий сайёҳ бўлиб, унинг қайси мамлакатдан экани ҳозирча маълум қилинмаянги.

Чуқур ҳамдардлик

16 февраль куни мамлакатимиз пойтахтида ёвуз кучлар томонидан уюштирилган портлашлар натижасида ватандошларимиздан бир нечтаси ҳалок бўлди:

Ўрмонов Нургали Абубакирович
Абдуллаев Азим Артикович
Бережной Юрий Александрович
Юсупов Мирхалил Мираҳмедович
Керимов Рустем Эскендерович
Юнусходжаев Шокир Халилович
Советбаев Муҳаммаддиёр
Сиёева Бибисора Гулбековна
Данилов Геннадий Михайлович
Холмўминова Дилрабо Асадовна
Азимов Абдувосит Абдусаматович
Махамедов Ҳикматжон
Набиев Фахриддин Мажидович

Биз уларнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдирамиз ва Аллоҳдан сабр-қаноат тилаб қоламиз.

Мамлакатимиз мустақиллиги, халқимиз осойишталиги ва турмушимиз фаровонлигини кўролмай, ёвузликка қўл урган кимсалар гуноҳини эл ҳам, юрт ҳам, Яратган ҳам у дунёю бу дунё кечирмайди.

Аллоҳ ҳалок бўлганларнинг охиратини обод қилсин. Ўзбекистон халқи ва ҳукумати бошига мусибат тушган оилалар билан биргаликда қайғурмоқда.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 18 fevral, payshanba № 21 (24.416).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Муборак «ҳасби ҳол»

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас...

Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг хоҳ назмий, хоҳ насрий асарларида бўлсин, арзи дил-қалб изҳори, улуғ шоирнинг ўзи таърифлашича, «ҳасби ҳол» сўзлари ҳамнишину ҳаммаслак мусоҳиблар ёди билан вобаста ифодаланганини кузатамиз. Ҳозирча биз фақат «ҳасби ҳол» шарҳи билан чегараланамиз.

Адабий сабоқлар

Нисбати ва назири йўқ болалик дунёсининг жуда барвақт «азизлар» назари тушган ғаройиботлари замони: «Бу фақир (Навоий — Б. А.) аввал назмеки ўрганибмен, ҳамоно «уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар (шеър) ўқумоқ таклифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилурлар эрди...» Байт (Қосим Анвардан):

Риндему ошиқему
жаҳон сўзи жома чок,
Бо давлати ғами ту зи
фикри жаҳон чи бок?..

(Риндмизу ошиқмизу шу дард ўти била жаҳонни ўртагувчи ёқавайронлармиз, аммо дегаймиз: сенинг ғами давлатинг олдида жаҳоннинг ўю ташвишларидан не зиёну не фойда?..)

Бошқа иқтибослар: «...Бу хоксори паришон рўзғор кичик ёштин ўзумни шеъринг паришон савдосиға гирифтор бўлғоним...» («Хазойинул-маъоний» дебочасидан); «Чун кичик ёштин менга бўлди насиб, Назм адосида хаёлоти ғарийб» («Лисонут-тайр» дан). Бу, аввало, қадим форсий ва туркий шеърият сарчашмасидан мурғак идрок, масъум қалб ташналиги-ла баҳраваралик нашъаси, сўнгра, фасоҳат мулкининг илоҳаси Аторуд билан ғойибона мулоқотдек ҳайратбахш дақиқаларнинг биринчи шеърий самари — тимсоллари бўлмиш, боланинг покиза хилқати каби маъсум мисралар: «Ранж кўрмай киши топарму фароғ, Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароғ. Тухм ерга кириб, чечак бўлди, Қурт жондин кечиб, ипак бўлди — Лола тухмича ғайратинг йўқму, Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?» («Бадоеъулбидоя» дебочасидан). Булар, улуғ шоирнинг ўзи шаҳодат беришича, ҳали «кичик ёшида» экан («еттисеккизимдин...»), бамисли ғойибдан ёғилиб келган шаффоф қатралар — илк илҳом туҳфалари...

Ўша болалик ғаройиботлари («ғаройиббус-сиғар») ва рангин абъёти (байтлари)дин эллик мингдин ортиқ ёд тутубмен ва алар завқи ва хушҳоллиғидин ўзумни овутубмен ва салоҳ ва фасод (марғубу номарғуб)ларига фикр айтибмен. Ўқуриға давовин (девонлари)дин бу фақир машғул бўлмағон девон оз эркин... Барчасиға қўп қатла ўтупмен, балки кўпни ёд тутупмен ва қасоид ва ғазалиётининг ғарийб ва латофатин билибмен, балки ғарийброқ ва латифроқларига татаббуъ (назира)даги қилибмен...»

Йигитлик «ҳасби ҳоли»нинг риндона шавқ ила лиммо-лим, суруру фахриёр туйғулар ифодаси сифатида шаклланган бир шеърий банд келтирамиз («Бадоеъул-бидоя» дебочасидан):

Кўнглумда не маъни ўлса
эрди пайдо,
Тил айлар эди назм
либосида адо.
Ул назмга жонин қилибон
халқ фидо,
Солурлар эрди гумбази
гардунга садо...

Не ажабки, Навоийнинг барвақт бошланган ва жуда тез тараттан шуҳратидан шаҳодат беруви бу баланд руҳли мисралар ҳали ижодий тақдир тақозоси-ла Султон Ҳусайн Бойқаро ҳомийлигида кўрсатиладиган шоҳона, чинакам саодатманд мадад ҳақида тасаввур этилмаган бир даврда яратилган... Бас, агар чиндан-да «халқ... жонин фидо қилибон» даражада овоза бўлган, шунчалар қадр-эътибор топган шеърларни... мустабид подшолардан Абу Сайид Мирзо замонига мансуб деб билсак, бу ҳақиқат ёш Алишернинг шеърий иқтидори — сўз даҳоси ўша пайтдаёқ дахлсиз юксакликка кўтарилганидан далолат беради...

Ёки расо комронлик фасли — баркамол ўрта ёшлик («бадоъеул-васат») ва руҳий-маънавий нафлари бебаҳо, донишманд кексалик («фавойидулжабар») йилларининг зоҳиран ҳаҳон ганжларига бергувсиз, моҳиятда теран маънолар (камоли шукроналик ҳамду саноларию беадад ҳасрат, тазарру муножотлари) ҳикматномараҳнамун, валиуллоҳ, пири-комил зотнинг ўзлик сардафтаридан нолавор саҳифалар: «Басе, иссиқ, совуқ кўрдум замонда, Басе, аччиқ, чучук тоттим жаҳонда...» («Маҳбубулқулуб»дан). «Не тонгдин оқшомғача ўзумга бир ғизо (емакичмак)дин ком, не ақшомдин тонггача турфатул-айни (бир лаҳза) кўзумга уйқудин ором. Хотирим савдоомез хаёллардан мушавваш (ташвишли), бесару дилликдин ҳар неча дилкаш сўз бўлса, кўнглумга нохуш...» («Хазойинул-маъоний» дебочасидан). «Менга бу эл ичра не бир ҳамдаме, Ки бир дам иковлон дейишсак ғаме. Не бир аҳли давлатдин анча умид, Ки андин наво топса бир ноумид... Не бир ҳужраким, кам топқай кўнгул, Даме анда ором топқай кўнгул. Не ёрики, ранжимни қилғай қабул, Не зорики, ҳажримдин ўлғай малул...» («Хазойинул-маъоний», «Маснавий»дан).

Навоий «ҳасби ҳоли» нинг ҳам буюк ижодкор ўзлиги — аҳволи руҳияси, ҳам «санъатхонаси» (Шайхзода тавсифи) ҳақидаги тасаввуримизни тиниқлаштирувчи лавҳаларини «Муншаот»дан оламиз: «Бу ўтган икки йилким (сўз Астробод ҳаёти устида боради — Б.А.), бу банда бошиға ҳаводиси рўзғордин юз навъ бало ва ишқи забункуш бедодидин юз турлук ибтило (мубталолик) юзланди. Оллимға ҳар шиддат келса, чун айтурға бир ёри ғамгусорим ва илайим (ҳузурим)ға ҳар суубат (қаттиқчилик) етса, чун изҳор қилурға бир рафиқи соҳиб асрорим йўқ эрди, ул шиддат ва суубат мазмунидин бирор байт ё матлаъ ҳаёл қилур эрдим ва кўнглумни ул ғусса ва андуҳдин холи этар эрдим; бу оз вақтда кўп назм айтилғон эрмиш ва ғазал йиғилғон эрмиш...» Воажаб! Ҳаёт ва қисмат бедодликлари — турли ижтимоий ғавғою можаролар, айниқса, шахсий ғараз, адоватлар жафосидан, лоақал кўнгил хижилини бир қадар ёзиш, ҳижрат кунлари ҳасратларининг ғариби ва ғурбатини шакллантиришни, Ўзбекистоннинг дунёдаги тутган ўрнини уч муаммога бўлиб, уч бўлимда таҳлил қилинади.

Миллий мустақиллик шарофати билан бир томондан маънавий меросимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз қайта шаклланаётгани, бошқа тарафдан эса, ҳаётимизга умумбашарий қадриятлар кириб келаётгани мавжуд ижтимоий воқелик манзарасини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бугунги кунда жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, миллий қадриятларни қайта тиклаш мавжуд воқеликка бутунлай янгича муносабатда бўлишни талаб этади. Бундай вазиятда биз миллий ва умумбашарий қадриятлар орасидаги сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмайдиган «олтин ўрталик»ни топа оламизми, деган ҳақли савол туғилади, дейилади биринчи бўлимининг «Анъана ва тараққиёт» номли мақоласида.

Ҳар бир халқ, янги жамият олдида жуда кўплаб ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга дуч келади. Шундай муаммолардан бири миллий журналистикамизни ўзгартиришдир. Бу борада бошқа давлатлар тажрибасидан бирмунча орқадалигимиз, оммавийлашган чет тилларни етарлича билмаслигимиз анча қийинчиликларга олиб келмоқда. Рисоладаги «Янгилик нима, информация-чи?» номли мақолада шундай дейилади. Ўн тўққиз йил олдинги мисолга мурожаат қилайлик, «Пахтакор» футбол жамоасининг авиация ҳалокатига учрагани тўғрисидаги миш-мишлар бутун Ўзбекистонга тарқаб бўлганидан кейингина матбуот орқали расмий ахборот тарқатилган. Яъни муаллиф олдинги матбуотни қоралайди. Ҳозирда эса журналистикамизни ривожлантириш учун матбуот, Тўртинчи ҳокимият

Ботирхон АКРАМ,
профессор, «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ҳайъат аъзоси.

Муаммо ва ечим

Китоб — содиқ дўст

«Маънавият» нашриётида Фахриддин Низомнинг «Янгиланиш анъанаси» деб номланган рисоласининг чоп этилганлиги мамлакатимиз маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Янгиланиш — нима? Бу ривожланиш, шакланиш ўзгаришдир. Китоб «Уч муаммога бир назар» номли мақола билан бошланади. Мазкур бобда маънавиятимиздаги ўзгаришларни, журналистикамизни шакллантиришни, Ўзбекистоннинг дунёдаги тутган ўрнини уч муаммога бўлиб, уч бўлимда таҳлил қилинади.

Миллий мустақиллик шарофати билан бир томондан маънавий меросимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз қайта шаклланаётгани, бошқа тарафдан эса, ҳаётимизга умумбашарий қадриятлар кириб келаётгани мавжуд ижтимоий воқелик манзарасини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бугунги кунда жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, миллий қадриятларни қайта тиклаш мавжуд воқеликка бутунлай янгича муносабатда бўлишни талаб этади. Бундай вазиятда биз миллий ва умумбашарий қадриятлар орасидаги сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмайдиган «олтин ўрталик»ни топа оламизми, деган ҳақли савол туғилади, дейилади биринчи бўлимининг «Анъана ва тараққиёт» номли мақоласида.

Ҳар бир халқ, янги жамият олдида жуда кўплаб ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга дуч келади. Шундай муаммолардан бири миллий журналистикамизни ўзгартиришдир. Бу борада бошқа давлатлар тажрибасидан бирмунча орқадалигимиз, оммавийлашган чет тилларни етарлича билмаслигимиз анча қийинчиликларга олиб келмоқда. Рисоладаги «Янгилик нима, информация-чи?» номли мақолада шундай дейилади. Ўн тўққиз йил олдинги мисолга мурожаат қилайлик, «Пахтакор» футбол жамоасининг авиация ҳалокатига учрагани тўғрисидаги миш-мишлар бутун Ўзбекистонга тарқаб бўлганидан кейингина матбуот орқали расмий ахборот тарқатилган. Яъни муаллиф олдинги матбуотни қоралайди. Ҳозирда эса журналистикамизни ривожлантириш учун матбуот, Тўртинчи ҳокимият деб тан олинди ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида бир неча қонунлар қабул қилинди. Журналистларимиз чет тилларини ўрганишиб, хорижий давлатларда бўлишмоқда.

«Агар огоҳсен сен...» номли мақолада: «Бизнинг газеталаримиз бирор расмий тадбирга ўз мухбирларини юборган тақдирда ҳам ЎзАнинг хабарини босишдан нарига ўтмайди», дейилади. Тўғрисини айтганда шундай. Ўз мухбирларимизни тадбирга юборамиз-у, ЎзАнинг материалини босамиз. Газета чиққандан кейин ҳамма газеталарда бир хил хабар, бир хил манзара. Буни кўрган газетхон битта газетани олади-ю бошқасига қарамайди ҳам. Рўзнома дўконларида газеталар уюлиб ётганининг гувоҳи бўласиз. Агарда ҳар бир газетада ўз мухбири ёзиб келган хабар чоп этилса, матбуотда бир хиллик йўқолиб, ривожланиш янада кучаярди.

Қўшни Афғонистонда уруш қарийб 20 йилдан буён давом этиб келмоқда. Бу биродаркушлик урушининг сабаби, Афғонистоннинг дунёдаги энг катта гиёҳванд моддалар етказиб берувчи марказга айланиб қолишидир. Адиб рисоладаги «Афғонистон ва Марказий Осиё» номли мақоласида: 1994 йилда ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулот миқдори 600 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. 1991 йилда Афғонистонда қонуний йўл билан экспорт қилинган моллар қиймати 140 млн. АҚШ долларини, импорт эса 411 млн. АҚШ долларини ташкил этгани каби фактлар келтиради.

Афғонистондан олиб кетилаётган гиёҳванд моддалар ўзига қурол-яроғ бўлиб қайтмоқда. Айни ғарб давлатларининг 20-25 ёшли йигит-қизлари гиёҳвандликка ружуъ қўйиб бораётган бир пайтда жаҳон жамоатчилиги Ер куррасидаги бу каби воқеалардан батафсил хабардор эмас. Бу ерда ҳам асосий муаммо ахборот саёзлигига келиб тақалмоқда. Алалхусус, ушбу қизиқарли китобда кўтарилаётган муаммолар бир-бири билан чамбарчас боғланган.

Бобомурод РАЙИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Талабалар соф фойда олишмоқда

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиқиб, Самарқанд вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли миллий ҳунармандчилик лицей ва касб-ҳунар мактаби ҳамда коллежларнинг талабалари ўз кучи билан ҳар йили 22 миллион сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда ва буларга харидор топишдек масъулиятли ишни ҳам уддалашмоқда. Биргина ўтган йил якунларига назар ташлайдиган бўлсак, ўқув устахоналарининг ўзида режалаштирилган 8 миллион сўмлик ўрнига салкам 9 миллион сўмлик иш бажарилган. Айниқса, бошқарма қошидаги ишлаб чиқариш бўлими ҳисобида фаолият кўрсатаётган ўқув хўжалигининг ўзидан 5 миллион 712 минг сўмлик даромад қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Мулоқот» саҳифаларида

Ҳар дам адолатга суяниб...

Адолат шундай мўъжизакор кучки, унинг сеҳри қалбларига меҳр-оқибат, ор ва номус, шуур ва ғурур, қувонч ва ишонч бағишлади. Шу ҳақиқатни ҳисобга олганда юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Абдусаид Кўчимов билан қилган «Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин» суҳбатини «Мулоқот»да эълон қилиниши айни муддао бўлди. Ўз фаолиятининг илк давриданоқ журнал жамоаси миллийликка, ўзликни англаб кетишга, боболарнинг меросини эъзозлашга қанчалар зарур деб қараб келган бўлсак, адолат мезонлари бузилмаслигига ҳам шундай эътибор бериб келмоқда.

Юртбошимиз ўз интервьюсида таъкидлаганидай: «Халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо, адолатсизликка чидай олмайди».

Ушбу сонда сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраев ўзининг «Етти йил мўъжизаси ёки XXI асрга назар» публицистик мақоласи билан иштирок этган.

Н. Жўраевнинг бу чиқиши Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарига сиёсий-илмий ва ижодий чизгилардан иборат.

«Асар нафақат ўтган етти йиллик давр таҳлили, балки бош ислоҳотчи — давлатимизнинг янги юз йилликдаги фаолиятини ҳам белгилайди. Чунки бу асарда кўтарилган масалалар, қамраб олинган мавзу ўзининг долзарблиги билан мамлакатимизнинг XXI асрдаги тараққиёт йўлларини ҳам кўрсатиб беради».

Бу йил хоразмлик икки буюк бобокалонларимизнинг таваллуд тўйлари нишонланади. Улар Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди ва шоир Огаҳийдир. Муаллиф Ваҳоб Раҳмон фикрича: «Огаҳий ижоди маркази да Оллоҳ яратган мавжудотларнинг энг шарафлиси — инсон туради. Огаҳий асарлари Ўзбекистон халқлари тарихининг ойнаси»дир.

Солижон Ҳасанов «Авесто» ҳақида тўхталиб, бундан уч минг йил илгари ҳам бобокалонларимиз: «Жиноят қилганларни ҳакам Зартуштра оқсоқоллар кенгаши вакиллари ва жамоанинг нуфузли аъзолари адолатли қонунлар асосида суд қилганлар»ни ёзади.

Бу сонда шоирлар Маъруф Жалил, Абдул Қодир ва Анвар Хожи шеърларини ўқийсиз.

Айниқса, раҳматли Абдуллоҳ Умарзода ва ёзувчи Маҳкам Маҳмуд нашрга тайёрлаган Зайниддин Ғаззолийнинг «Кимиёи саодат» асари муштарийларда қизиқиш уйготиши табиий.

Хуллас, янги сонда эълон қилинган мақолаларни ўқиб, одамларнинг дунёқараши, фикрлаш доираси, тафаккури юксалиб, адолат биз қураётган янги жамиятнинг асоси бўлиб бораётганидан хурсанд бўласан киши.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

Аёл кўрки

Орамиздаги одамлар

XX аср ўзининг ранг-баранглиги, турли ўзгаришларга бойлиги билан кишини лол қолдирмоқда. Бу асрда ижтимоий муносабатлар тараққиёти тезлашди. Мана шу жараён аёлларга мислсиз хилма-хил фаолият майдонини очди. Умуман тараққиёт, унга тегишли барча ҳодисалар аёлнинг жамиятда тутган ўрни, эрки ва мавқеига ҳам боғлиқ эканлигини исботлади. Ночор аёл ҳеч қачон қудратли, соғлом йигит ва ўктам қизларни етиштириб беролмаслиги аниқланди.

Шундай экан, аёлларни жамиятдаги мавқеини кўтариш, уларга имконият ва истеъдодини ўстириш учун фаол, маърифатли, маданиятли тарғиботчи аёлларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу эҳтиёж бир гуруҳ фаол аёлларни жамиятимизнинг олдинги сафларига чиқишига сабаб бўлди. Шулардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Хатима Шайховадир.

Олима меҳнат фаолияти давомида оддий ўқитувчиликдан фан доктори даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу машаққатли ва ҳузурбахш йўл у кишининг мушоҳада доирасини кенгайтирди, фикрларини чархлади, ҳаётнинг энг нозик ва мураккаб соҳаларини теран таҳлил этиш имкониятига мушарраф этди.

У киши ҳозирги кунгача жамиятнинг маънавий-ахлоқий асослари, миллий қадриятлар, урф-одатларнинг умуминсоний ва миллий бирлиги, оила, хотин-қизлар муаммоси ва соғлом авлод камолоти каби масалаларни илмий таҳлил қилиб, халқ орасида тарғиб этиб келмоқда.

Хатима опанинг илмий фаолияти жараёнида 90 дан зиёд илмий- назарий ва илмий-оммабоп асарлари чоп этилди. Бундан ташқари 5 фан номзоди, 2 фан докторига устозлик қилди. Ҳозирда эса 1 докторант ва 2 аспирантга илмий раҳбарлик қилди. Шу билан бирга олима Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида Ижтимоий фалсафа бўйича докторлик унвони берувчи илмий кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Фалсафа жамиятида Ахлоқ ва тарбия бўлими бошлиғи, Республика Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Олима» уюшмасининг раиси муовини ва бошқа кўплаб вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқда.

Ҳа, инсондан ўта фидойиликни, ҳалолликни, садоқатни, меҳр-оқибатни, серқирра билим ва тажрибани, эл-юрт дарди билан ёниб яшашни талаб қиладиган илм ва таълим соҳасида бундай ибратли йўлни босиб ўтиш, шогирдлари томонидан муносиб иззат-ҳурматга, эътирофга сазовор бўлиш бу — инсонийлик кўрки — аёл кўркидир.

Хатима опа оилада севимли уй бекаси, тўрт фарзанд онаси, ўн тўрт неварани меҳрибон бувижонисидир. Фарзандлари жамиятимизда ўз ўрнини топган мутахассислар. Яхшидан боғ қолади, деганлари шу-да.

Манзура ХОЛМАТОВА,
фалсафа фанлари доктори

ТКМ

ЎЗБЕК ТУРК

ТИЛ ВА КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИ

Қуйидаги курсларга қабулни давом эттиради:

ИНГЛИЗ ТИЛИ — Оксфорд Университети системаси асосида олиб борилади. Ўқувчилар курс давомида ўқув ва махсус адабий китоблар билан таъминланадилар. Дарсларда, шу билан бирга, аудио-видеоматериаллар қўлланилади. Тўлиқ курс муддати 7 босқич (ҳар босқич 3 ой давом этади).

CONVERSATION CLUB — инглиз тили оғзаки нутқни ривожлантириш учун

ТУРК ТИЛИ — Тўлиқ курс муддати 3 босқич (ҳар босқич 3 ой давом этади.)

КОМПЬЮТЕР КУРСЛАРИ — Windows NT, MSWord'97, MS Excel'97 (Pentium 166 компьютерларида), 2 ой давомида компьютер қўлланиш мукаммал ўргатилади.

Тил курсларига ўқувчилар билимларига кўра гуруҳларга ажратилади

Манзилимиз: Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 69-уй (метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати, собиқ «Пионерлар уйи» биноси, 1-қават).
Тел & факс: 133-34-22, e-mail: uzsilm @ dkm.edu.uz

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс —133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ*, навбатчи *Фаррух ҲАМРОЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ХАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 25.805 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 089

Босмага топшириш вақти 21.00.
Топширилди 23.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА